

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛМУРАТОВА ДИЛРАБО МУХАММАТОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИННОВАЦИОН
КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ**

(Табиатшунослик ўқитиш методикаси мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Элмуратова Дилрабо Мухамматовна

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш (табиатшунослик ўқитиш методикаси мисолида)..... 3

Элмуратова Дилрабо Мухамматовна

Подготовка будущих учителей начальных классов к инновационной профессиональной деятельности (на примере методика преподавания природоведения).....22

Elmuratova Dilrabo Mukhametovna

Preparing future primary school teachers for innovative professional activities (using the example of natural Scien)..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

.....

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭЛМУРАТОВА ДИЛРАБО МУХАММАТОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ
ИННОВАЦИОН КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ**

(Табиатшунослик ўқитиш методикаси мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/В325 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.Guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Толипова Жамила Олимжоновна,**
педагогика фанлари доктори, доцент

Махмудов Юсуп Ғаниевич,
педагогика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5» декабрь куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225-39-25, факс (+99867) 225–39–25, E–mail: glinfo.bio@edu.uz).

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4–мавзе Тел.: (+99867) 225–39–25

Диссертация автореферати 2020 йил «20» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «20» ноябрдаги 3-сонли реестр баённомаси)

Х.К.Каршибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Ф.П.Ғаибназарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.ф.д. (PhD) доцент

И.У.Уразбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида бўлажак педагог кадрларнинг касбий тайёргарлигини замонавий таълим тизимининг интенсив янгиланиш динамикасига мослаштириш, инновацион самарадор технологиялар асосида такомиллаштириш, халқаро баҳолаш дастурлари доирасида табиий-илмий саводхонлигини орттириш соҳасида кенг қамровли ислохотларни амалга оширишга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича «Маърифий, илмий ва маданий мазмундаги материалларни олиб кириш» тўғрисидаги Битимида дунё миқёсида таълим олувчиларни ўқитиш сифатига нисбатан кенг шароитлар яратиш, таълим жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади¹.

Жаҳонда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашни методик жиҳатдан такомиллаштириш, кенг профили мутахассислар тайёрлаш, талабаларнинг креативлиги, касбий компетентлиги, табиий-илмий дунёқарашини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамиятга молик. Шу жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини табиатшунослик ўқитиш методикасидан инновацион жараёнларни лойиҳалаштириш фаолиятига тайёрлаш, ўқув фаолияти самарадорлигини ошириш қонуниятлари, дидактик тамойиллари, методикасини такомиллаштириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни бошланғич таълимга татбиқ қилиш зарурати изоҳланади.

Ҳозирда мамлакатимизда инновацион технологияларга асосланган таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустақкамлаш, ижтимоий фаол ва малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига кўтариш масалаларига оид тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда «мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш»² каби муҳим вазифалар белгиланди. Бугунги кунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини табиатшунослик фанини ўқитишда инновацион касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш, бошланғич синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига муваффақиятли ўтишини таъминлаш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини кўтариш, халқаро стандартларга мослаштириш, табиий-илмий саводхонликни ошириш, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Маърифий, илмий ва маданий мазмундаги материалларни олиб кириш тўғрисидаги битимга Протокол (1976 йил 26 ноябрь) norma.uz

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги 576-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа мамлакатларида F.S.Azevedo, L.Darling-Hammond, A.J.Egalite, B.Kisida, D.S.Yeager, G.M.Walton, P.Cantorand, P.Carter, R.D.Taylorand, A.A.West, A.Wigfield, J.Cambria, C.A.Wolters томонидан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг турли жиҳатлари ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш муаммолари: М.С.Ахмадов, Т.А.Вайзер, С.Г.Григорьева, Н.Г.Калашникова, Е.Ф.Козина, Е.В.Кузнецова, В.В.Левитес, С.А.Радионова, Д.З.Раҳмонова, С.П.Русское, О.Н.Ульянова; бошланғич синф ўқитувчилари креатив компетентлигининг ўзига хос хусусиятлари: Т.В.Суняйкина, Ю.А.Сергиенко, Г.А.Чомаева каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Республикада бошланғич таълимда ўқитиш масалалари Р.Ибрагимов, Р.Мавлонова, Н.Раҳманкулова, Р.Сафарова, М.Иноятова, М.И.Тошпулатова, У.А.Машарипова, табиатшунослик ўқитиш методикасини такомиллаштириш муаммолари М.И.Нуритдинова, табиатшунослик ўқитишнинг инновацион технологиялари ва методлари Ш.Мирзахматова, Д.Пўлатова, Х.Б.Норбўтаев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 «Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» (2015-2017 йиллар) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион касбий фаолияти таркибий тузилмасини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион касбий фаолиятга тайёргарлик компонентлари (назарий, амалий, методик, дидактик, технологик) кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонларини аниқлаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини таъминловчи методик таъминотни интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг мавжуд тизимини такомиллаштиришга доир илмий асосланган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни танланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети ва Тошкент давлат педагогика университетининг 5111700-“Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиши талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети – бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” бўйича инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш метод, шакл ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион касбий фаолияти (ташқи рағбатлантириш, обрўни сақлаш, касбий, шахсий ривожланиш) мотивлари, креатив, технологик ва дидактик мақсадлари (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) касбий фаолиятга оид параметрларни аниқлаштириш, фаол ахборот алмашилиш, ўқув материалларини тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантириш асосида аниқлаштирилган;

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг назарий, амалий, методик, дидактик, технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари (ностандарт, креатив ўқув ва тест топшириқлари) таркиби табиий-илмий саводхонликни баҳолашга оид талабларни (рефлексив баҳолаш, ўзлаштирган билимларни амалиётда қўллаш, инновацион фаолият) белгилаш асосида аниқланган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш сифати дидактик материаллар

(креатив фикрлашга оид мисол ва масалалар, тестлар ва кроссвордлар) табиий-илмий саводхонлик даражасига кўйиладиган талаблар (англаш, тушуниш, амалиётга татбиқ этиш) асосида аниқлаштирилган;

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанини ўқитиш мазмунининг дидактик, методик имкониятлари PEST таҳлили воситасида замонавий таълим технологиялари (муаммоли, интерфаол)дан фойдаланишга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик таъминоти сифатида электрон дарслик ишлаб чиқилган;

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фани бўйича электрон таълим ресурси яратилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича илмий асосланган методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани; хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион фаолиятнинг назарий, амалий, методик, дидактик, технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари ўрганилгани билан ажралиб туради.

Ишнинг амалий аҳамияти бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик таъминоти, электрон таълим ресурсидан “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанидан дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик таъминоти, электрон таълим ресурсидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини табиатшунослик фанини ўқитишда инновацион касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион касбий фаолияти (ташқи рағбатлантириш, обрўни сақлаш, касбий, шахсий ривожланиш) мотивлари креатив, технологик ва дидактик мақсадларини (мотивацион – қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) идентив хусусиятларга кўра интеграциялашга оид таклифлари «Педагогика» таълим соҳаси Давлат таълим стандартининг 5111700 -“Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш” бакалавриат таълим йўналиши Малака талабларини ишлаб

чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 апрелдаги 303-сон маълумотномаси). Натижада, Табиатшунослик фани бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фанга доир хусусий компетенцияларни лойиҳалаш имконияти яратилган;

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг назарий, амалий, методик, дидактик, технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари орқали аниқланган бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион касбий фаолиятга факторли таҳлил ҳамда статистик аҳамиятини аниқлаштиришга оид тайёргарлик компонентлари “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 январдаги 01-02/2-2-77-сон маълумотномаси). Натижада, таълим мазмуни такомиллаштирилган, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини амалга ошириш технологияси аниқлаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг мотивацион, мустақил фикрлаш, креативлик моделлаштириш мезонлари ҳамда “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг PEST таҳлил асосида ишлаб чиқилган дидактик таъминотига оид таклифлари “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 январдаги 01-02/2-2-77-сон маълумотномаси). Натижада, “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фани бўйича электрон таълим ресурси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та, шундан республика журналларида 3 та, хорижий журналда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш ҳолати, инновацион касбий фаолияти хусусиятлари ва инновацион фаолиятга касбий тайёргарлигидаги асосий кўрсаткичлар таҳлил этилган.

Мамлакатимизда амалга оширилиётган фан-техника тараққиёти ва жамиятдаги ўзгаришлар, замонавий таълим тизимининг юқори даражада янгиланиш босқичида бўлажак ўқитувчиларни табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнига ўзига хос талаблар кўймоқда. Бўлажак педагогларни “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” бўйича инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг янгиланган талаблари моҳияти: инновацион касбий фаолиятга тайёрлашга шароит яратиш, тез ўзгарувчан меҳнат мазмуни ва узлуксиз янгиланиб борадиган билимлар зарурати билан боғлиқ.

Инновацион педагогик жараёнлар Фарбда XX асрнинг 50-йиллари охирларида, мамлакатимизда сўнгги ўн йилликларда махсус ўрганиш предметига айланди. Уларга жаҳон педагогик жамоатчилигида қизиқиш алоҳида инновацион хизматлар, нашрлар, журналлар, ахборот нашрларининг яратилишида ўз аксини топмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО қошида Осиё таълимни ривожлантириш учун педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, у дунё мамлакатларининг педагогикага оид янгиликларини умумлаштиради ва таълим масалалари бўйича Халқаро бюро билан ҳамкорликда махсус нашр саҳифалари орқали педагогик жамоатчиликни хабардор этади.


Адабиётларнинг назарий-илмий таҳлили инновацион жараённи интенсивлаштиришга (жадаллаштиришга) кўмаклашувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини беради: а) таълим муассасалари раҳбарларининг инновацион имкониятлари; б) ишлаб чиқилган комплекс лойиҳалар; в) лойиҳалар доирасида ва жараённинг ўзида маслаҳат бериш; г) ижтимоий-иқтисодий муҳит; д) инновацион жараён иштирокчиларининг улушли вазиятлари. Бундан инновацион жараён доимо маълум йўналишга эгаллиги келиб чиқади. Улардан бири – бу педагогик фаолиятга йўналганлик. Таълим – жамиятнинг таркибий қисми, ўқитувчилар унинг таркибий тизими аъзолари; улар фаолиятининг табиати бевосита янгиликлар билан боғланган. Шу тариқа таълим тизимида янгиликларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: мазмунида; ўқув-тарбия жараёнининг методикасида, технологиясида, ташкилий шаклларида, методларида, воситаларида; таълим муассасасини бошқаришда; миқёси бўйича: давлат, ҳудудий; миллий-ҳудудий; янги турдаги таълим муассасалари; педагогик аҳамиятлилиги бўйича: мустақил (хусусий, локал, яққа ва ҳ.к.); ўзаро боғлиқ бўлмаган; модулли (хусусий, ўзаро боғлиқ инновациялар комплекси); тизимли; келиб чиқиши бўйича: модификацион, яъни такомиллашган; аралаш (аввал маълум бўлганига янги компонентни бирлаштиради); тубдан янги турлари мавжуд.

Табиатшунослик ўқитиш методикасида инновацион фаолиятни шахсий тоифа, яратувчилик жараёни ва натижаси сифатида талқин қилиш мумкин. Тизимли-йўналтирилган тадқиқот ишларида инновацион фаолият креатив парадигманинг шахсий, бошқарувчи-коммуникатив ва натижали тизим тахлилида очиб берилди.

Табиатшунослик ўқитиш методикасида шахсининг инновацион имкониятини қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан боғлайдилар: табиатшуносликка оид янги тасаввурлар ва ғояларни ишлаб чиқиш, асосийси, уларни амалий шаклларда лойиҳалаш, моделлаштириш ижодий қобилияти; шахсининг янгига, ўзидан фарқлига очиқлиги, бу шахсининг бағрикенглиги, тафаккурининг мослашувчанлигига асосланади; маданий-эстетик ривожланганлик ва маълумотлилик; ўз фаолиятини такомиллаштиришга тайёрлик, ички, мазкур тайёрликни таъминловчи восита ва методлар; ривожланган инновацион онг (инновацион фаолиятнинг анъанавийга кўра қимматлилиги, инновацион эҳтиёжлар, инновацион хулқ мотивацияси) инновацион имкониятлар асоси саналади.

Табиатшунослик ўқитиш методикасида ўқитувчи инновацион имкониятининг ривожланиш принциплари қуйидагилар ҳисобланади: педагог ўз шахсининг кадрлилигини тан олиши, “ўзлигини” инновацион тушуниш, компенсация; индивидуаллаштириш; зиддиятлилик, ахлоқий боғлиқлик, креатив илҳомланиш, рефлексия принципларидир.

Бўлажак ўқитувчиларни инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш учун улар ўқитувчи инновацион фаолияти тузилишини яхши англаши зарур (1-расм).



1-расм. Ўқитувчи инновацион фаолияти тузилиши.

Маълумки, инновацион фаолият маълум доирадаги вазифаларни ечишни билиш билангина эмас, балки ташқи вазифаларни излаш ва ҳал этишга мотивацион тайёрликнинг мавжудлиги билан ҳам боғлиқ. Мотивацион тайёрлик, педагогик инновацияларга сезгирлик муаммоси ўқитувчини

тайёрлашда асосий ўрин эгаллайди, чунки фақатгина инновацион фаолият мақсадларига тўғри келадиган мотивация, мазкур фаолиятни уйғун амалга ошириш педагог шахсининг ўз-ўзини намоён этишини таъминлайди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти санаб ўтилган мотивлардан бирининг яққол устунлигида изчил равишда қуйидагича қурилади: инновацияларни жорий этишнинг муайян элементлари учун моддий мукофотлаш билан боғлиқ ташқи рағбатлар; ўқитувчининг ўз-ўзини мустаҳкамлаш мотивлари (атрофдагиларнинг ташқи ижобий баҳолашлари орқали ўз-ўзини мустаҳкамлаш); касбий мотив; шахсий ўз-ўзини амалга ошириш мотивлари.

Ўқитувчининг инновацион фаолиятида креативлик муҳим тавсиф ҳисобланади. Миллий психологияда креативлик ижтимоий аҳамиятли ижодий фаолликни намоён этиш қобилиятига боғлиқ бўлган ижодкорлик, инсоннинг ижодий имкониятлари, инсон индивидуумининг маълум алоҳида хусусияти сифатида (барқарор хусусият) қаралади.

Инновацион фаолиятнинг технологик компоненти рефлексив хусусиятга эга бўлиб, таълим олувчилар жамоаси фикри ва ҳаракатини ҳамда ўз фаолиятини англаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини тушуниш ва талқин қилиш фаолиятини ёритади. Н.В.Кузьмина томонидан ишлаб чиқилган педагог фаолиятининг функционал моделида педагог рефлексияси гностик компонентга киритилган.

Педагог мақсадга йўналтирилган янги ахборотларни қидиради, муаллифлик мактабини яратади, педагог тажрибасини бажонидил бошқалар билан баҳам кўради. Бундай педагоглар фаолиятида муҳим ролни сезги, инновацион тасаввур, импровизация эгаллайди. Ўзгаришларга сезгирлик динамикаси табиатшунослик дарсларида талаба янгиликларни идрок этишининг ўзига хослигини ҳам белгилайди. Барча педагоглар ҳам янгиликларга бир хилда муносабатда бўлмаслиги ва бир вақтда қабул қилмаслиги ҳаммага аён.

Табиатшунослик ўқитиш методикаси бўйича талабаларда инновацион фаолият шаклланганлигини тўрт даража бўйича баҳолаш мумкин (1-расм).

Бўлажак ўқитувчиларни табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга мустақил, ижодий, амалий тайёрлаш муаммоси ҳар доим психология ва педагогика соҳаси тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган. Таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва педагогларнинг ўзлаштирган компетенцияларини келгуси меҳнат фаолиятида амалиётга татбиқ қилиш даражаси билан боғлиқ.

Табиатшунослик дарсларида бошланғич синф ўқитувчиси инновацион фаолиятининг асосий хусусияти бошланғич синф ўқувчиси шахсини шакллантиришнинг бошланғич даврда амалга оширилиши, атроф-оламни илмий билишнинг дастлабки кўникма ва малакаларини шакллантириш ва бошланғич синф ўқувчиларининг турли ижтимоий муносабатларга киришлари билан боғлиқлиги ҳисобланади. Мазкур яхлит жараёни табиатшунослик дарсларида тизимли ташкил этишда марказий ўринни

бошланғич синф ўқитувчиси – таълим ва тарбия мазмуни ташувчиси, ўқувчи билиш фаолияти, шахсининг ҳар томонлама шаклланиши ва ривожланиши ташкилотчиси эгаллайди.

Табиатшунослик дарсларидаги инновацион фаолият жараёнида бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчисининг ёш ва индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишига тўғри келади. Бу табиатшунослик дарсларида қўлланиладиган инновациялар хусусияти ва мазмунида ифодаланади. Улар мазмуни ва ифода шакли бўйича кўп қиррали бўлиб, қуйидаги белгилари асосида таснифлаш қабул қилинган: фаолият турлари бўйича: педагогик, бошқарув; киритиладиган ўзгаришлар хусусиятига кўра, радикал, аралаш, модификацион; киритиладиган ўзгаришлар миқёси бўйича: локал, модулли, тизимли; фойдаланиш миқёси бўйича: бир марталик, тарқалган; манбаси бўйича: ташқи, ички.

Инновацион, муаммоли педагогик вазиятларни қисмларга ажратиш ва таснифлаш, инновацион ахборотни фаол излаш, янгилик билан таништириш; янгиликни яратиш, фаолият операцион компонентининг асосий ташкил этувчилари, мавжуд таълимий лойиҳаларни шахсий-мотивли қайта ишлаш, уларни мустақил интерпретациялаш ёки ўзлаштириш бўйича шахсий имкониятларини касбий-мотивли таҳлил қилиш, янгини қўллаш бўйича қарор қабул қилиш; янгиликни қўллаш мақсадлари ва умумий концептуал ёндашувларни шакллантириш; инновацион фаолият мақсадларига эришиш, ўзгаришлар, қийинчиликлар, воситаларини башоратлаш; янгиликни жорий этиш йўлларини ҳамкасблар, маъмурият, маслаҳатчилар билан муҳокама қилиш; ғояларни яратиш, тажриба-синовнинг концептуал асосини ва босқичларини ишлаб чиқиш; инновацион хатти-ҳаракатларни амалга ошириш: педагогик жараёнга янгиликни киритиш ва унинг ривожланиши ҳамда жорий этишнинг боришини кузатиш; янгиликни киритиш ва бутун инновацион фаолиятнинг назорати ва коррекциясини амалга ошириш; жорий этиш натижаларини баҳолаш, педагогнинг ўз-ўзини амалга ошириш рефлексияси.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, табиатшунослик ўқитиш методикасида бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиси инновацион фаолиятининг хусусиятларини қуйидагича таснифлаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси бўйича ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятлари таснифи

Т/р	Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятлари таснифи
1.	Ўқувчи шахсини шакллантириш
2.	Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш
3.	Ўқувчилар ўқув (билиш) фаолиятини ташкил этиш
4.	Шахсга йўналтирилган ёндашув
5.	Интегратив ёндашув
6.	Илмий дунёқарашни шакллантириш

7.	Тил ва нутқни ривожлантириш
8.	Ҳиссий рағбатлантириш
9.	Атроф-муҳитга ҳиссий-қадриятлилик, бағрикенглик муносабатини шакллантириш
10.	Мустақил таълим ва ўз-ўзини ривожлантириш

Ташқи муҳитнинг тезкор ўзгаришлари шароитида таълим олмайдиган ташкилотлар ўз ривожланишини сифатли ва ишончли бошқаришга қодир бўлмайди.

Инновацион фаолият жараёнида ўқитиш тизимини қуриш (вазифаларни бажариш жараёнида ўқитиш) ташкилий ўқитиш номини олган.

Ўқитувчи изланувчан, андозалар билан қоникмайдиган шахс сифатида тавсифланади. Барча ҳолатлар учун мажбурий бўлган таълим ва тарбиянинг ягона методикаси мавжуд эмас: ҳар бир ўқитувчи новатор бўлиши, унинг шахсий сифатларига жавоб берадиган ўз ёндашувларини топиши мумкин.

Касбий инновацион маҳоратни эгаллаш фақатгина инсон, бола тўғрисидаги билимлар бойлигини (психология, педагогика, фалсафа, социология, турли ўқув фанларини ўқитиш методикаси) чуқур, ҳар томонлама эгаллаш асосида ҳосил бўлиши мумкин. Юқори педагогик маданият ўқитувчига таълим-тарбиянинг самарали шакллари, методлари, воситаларини компетентли танлаш имконини беради ва бу ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш асосида ёритади. Бошланғич синф ўқитувчиси ўз касби учун мумкин бўлмаган қуйидаги шахсий сифатларни енгади: апатия, болаларни ўқитиш ва тарбиялашдаги расмиятчилик, уларга ва уларнинг тақдирларига бефарқлик, жиззакилик, енгилтаклик, қарорларни қабул қилишда, хулқ-атвордаги шошқалоқлик ва ўйламаганлик. Демак, бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни амалий ишда инобатга олиш бир томондан, мажбурий ҳисобланади; иккинчи томондан, уларни билиш ўқитувчига инновацион йўналишлар ва технологиялар кўринишларини тушуниш; ўзи учун шахсий индивидуал иш методини излаш учун ва аниқ инновацион педагогик фаолият майдонини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш шакл ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида табиатшуносликни ўқитишнинг мавжуд ҳолати таҳлил қилинган, мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари учун табиатшунослик фанидан салоҳиятли педагог кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий тайёргарлигини орттириш муаммоси методик жиҳатдан етук кадр сифатида ривожлантириш зарурати асослаб берилган.

1-2-синфларда ўқитиладиган “Атрофимиздаги олам», 3-4-синфларда ўқитиладиган “Табиатшунослик” фанлари бошланғич синф ўқувчиларини табиий фанлар билан таништирадиган, уларнинг таълим ва тарбияси билан шуғулланадиган, фаннинг мақсади, вазифалари, мазмунини ҳамда таълим-тарбия жараёнларини табиатшуносликка оид билимлар ривожини билан ташкил

киладиган педагогика фанлари сирасига киради. “Табиатшунослик” фанини ўқитиш методикаси – бошланғич синф ўқитувчиларининг табиий фанларни ўқитиш жараёнини, уларнинг тарбияси ва ривожланишини ўрганадиган педагогик фан; табиий фанлар ривожига мувофиқ ўқув-тарбия жараёни вазифалари, мазмуни, усуллари ва ташкил этишни ишлаб чиқади. Педагогика олий таълим муассасаларида “5111700 - Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиши талабаларига “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фани умумқасбий фанлар блокига киритилган бўлиб, 3-4 босқичларда ўқитилади. Умумий ўқув юклама 174, шундан маъруза 66, амалий 94, семинар 14, мустақил таълим 136 соатни ташкил этади.

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг дидактик таъминоти инновацион фаолият босқичлари бўйича *PEST таҳлил* асосида ишлаб чиқилган. *PEST таҳлил* (баъзан кадам деб аталади) – инсон, табиатга таъсир қилувчи муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ва технологик жиҳатларини аниқлаш учун мўлжалланган восита, фаннинг инновацион фаолиятни таҳлил қилади.

Сиёсат ҳокимиятни тартибга солганлиги сабабли ўрганилади, бу эса ўз навбатида табиат ва унинг фаолияти учун асосий ресурсларни олишни белгилайди. Иқтисодиётни ўрганишнинг асосий сабаби ресурсларнинг давлат даражасида тақсимланиши тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш бўлиб, бу инсон фаолиятининг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тенг муҳим истеъмол томонлар *PEST* таҳлил ижтимоий таркибий қисми ёрдамида белгиланади.

Охирги омил-технологик компонент. Унинг тадқиқот мақсади технологик ривожланиш тенденцияларини аниқлаш бўлиб, улар кўпинча табиатдаги ўзгариш ва йўқотишларнинг сабаблари ҳамда янги маҳсулотларнинг пайдо бўлишидир.

Таҳлил “омил — инсон” схемаси бўйича амалга оширилади. Таҳлил натижалари матрица шаклида тузилади, унинг предмети макро муҳит омиллари, предмет-уларнинг таъсир кучи, баллар, сафлар ва бошқа ўлчов бирликларида баҳоланади. *PEST* таҳлил натижалари инсон, ишлаб чиқариш ва табиатдаги иқтисодий вазиятни баҳолаш имконини беради.

МАҚСАД – бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш
ВАЗИФАЛАР: талабаларни инновацион фаолият соҳасидаги билимлар тизими билан қуроллантириш; замонавий мактабда бошланғич синф ўқитувчиси инновацион фаолияти моҳияти ва мазмунини очиб бериш; талабаларга улардаги инновацион фаолиятга тайёргарликни шакллантириш жараёнида ёрдам кўрсатиш; мактабда индивидуал ва гуруҳли инновацион фаолият малакаларини сингдириш; бўлажак ўқитувчиларни ўз ижодларини рефлексив баҳолашлари учун тегишли билимлар ва кўникмалар билан қуроллантириш)
ПРИНЦИПЛАР: аксиологик; илмийлик; маданий; умумийлик ва ўзига ҳослик; кўргазмалилик; назария ва амалиётни уйғунлаштириш; тизимлилик; изчиллик ва узлуксизлик; индивидуаллаштириш ва инсонпарварлик; фаоллик ва мустақиллик; ўқитишнинг касбий-ижодий йўналганлиги; ўқитишнинг шахсга йўналганлиги; ўқитишнинг бўлажак мутахассиснинг мустақил таълимий фаолият тажрибасини шакллантиришга йўналтирилгани

ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ МАЗМУНИ			
Назарий тайёргарлик	Технологик тайёргарлик	Методик тайёргарлик	Амалий тайёргарлик
ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ			
анъанавий: маърузалар, семинар талабаларнинг амалиётлари, мустақил рефератлар, имтиҳон		инновацион: муаммоли маъруза, визуал маъруза, маъруза-мунозара, жуфтликдаги маъруза, аввалдан режалаштирилган хатоликлар билан маъруза, маъруза матбуот анжумани, ролли ўйинлар, мунозаралар, тренинглари, рефлексия ва бошқалар	
ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ: ахборот-ривожлантирувчи, репродуктив, муаммоли-изланиш, ижодий-репродуктив, муаммоли семинар, мавзули мунозара ва бошқ.			
НАТИЖА: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси шахсининг инновацион фаолиятга ва бошланғич синф ўқувчиси шахсини шакллантириш жараёнида ижодий ёндашувни амалга оширишга тайёргарлиги.			

2-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш технологияси

Табиатшунослик ўқитиш методикасидан педагогика олий таълим муассасаларида маъруза, семинар ва амалий машғулотлар асосан вербал тушунтирувчи-кўргазмали методлар орқали амалган оширилади. Педагогик тажриба-синовлар натижасида талабалар тор фанлар доирасидаги бир-бири билан боғлиқ бўлмаган билимларни ўзлаштириши аниқланган. Аммо бу ўзлаштирилган билимларнинг, касбий фаолият давомида қўлланиш эҳтимоли камроқ. Фанлар интеграциясини тўғри амалга оширмаслик эса муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради. Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлашда асосий бўлган бўлган ўқув фаолиятини лойиҳалаш талаб даражасида ташкил этилмайди.

Табиатшунослик ўқитиш методикасининг асосий ғоялари куйидагилардан иборат: курс мазмунини ўрганишда тизимлиликка эътибор бериш; ўқитувчининг замонавий таълим муҳитидаги вазифасини тушуниш ва таълим олувчиларнинг етарлича илмий-назарий билим олишини таъминлаш; таълимнинг замонавий принципларини англаш; табиат қонунларининг мазмун-моҳиятини тушуниш; табиат ҳодисаларини антропоцентрик ёндашувдан биоцентрик ёндашув томонга алмаштириш; талабаларнинг табиатшунослик ўқитиш методикасидаги қарама-қаршилиқларни англаш ва уларни талаб даражасида аниқлаш; таълим жараёнини ташкил этиш ва самарали ривожлантириш учун масъулликни тарбиялаш; шахсининг яхлит ривожланиш тизимида экологик таълим моҳиятини тушуниш ва амалга ошириш; соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва атроф-муҳит қадриятларини тушуниш.

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг мазмунида уч асосий омил аниқланди: табиатшунослик ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалари; табиатшунослик ўқитишни ташкилий

жараёни; табиатшунослик ўқитиш методикасининг умумийлашган аниқ масалаларини кўриб чиқиш.

Табиатшунослик ўқитиш методикасининг интегратив хусусияти табиий билимларни дунёвий даражада аҳамият касб этиши билан боғлиқ. “Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси” фанлараро методик тайёргарликка ўз хиссасини қўшади.

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг ўқув дастурларида асосий эътиборни ҳудудий омилга қаратиш лозим бўлиб, бунда мазкур ҳудудни олдиндан башоратлаш керак.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнининг яратилган модели, биз аввал таъкидлаб ўтганимиздек, педагогик шарт-шароитларнинг барча мумкин бўлган компонентларини умумий тасаввур этишни белгилаш ва тажриба-синов ишимиз учун зарур бўлган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнини амалга ошириш технологиясини аниқлаш имконини берди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов натижаларини олиш, кузатув, сўровнома, тест ўтказиш, оғзаки ва ёзма сўров, ёзма иш каби турли усуллардан фойдаланилди. Бўлажак бошланғич синф ўқувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини аниқлаш, талабалар томонидан юқори касбий компетентликка эришилганлиги мақсадида 2016-2019 йилларда ТДПУ, БухДУ, ГулДУ нинг “5111700 - Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш” таълим йўналиш 3-4-босқич талабалари билан тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Педагогик жараённи амалга ошириш учун машғулотларни ўтказишнинг куйидаги шакллари фойдаланилади: анъанавий шакллар: маърузалар, амалий машғулотлар, рефератлар ва имтиҳон; ноанъанавий шакллар: муаммоли маъруза, визуал маъруза, жуфтликдаги маъруза, аввалдан режалаштирилган хатоликлар билан маъруза, маъруза матбуот анжумани ва ҳ.к.

Юқорида санаб ўтилган шакллар умумийлиги “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш” тажриба-синов дастурида берилган шакллантириш вазифаларини бажарди. Масалан, эслаб қолиниши учун тайёр маълумот бериладиган ва тушунтирадиган ахборотли маърузадан, бизнингча, маърузаларнинг турли шаклларида фойдаланиш талабаларнинг билиш фаоллигини оширади, шунингдек, мустақил ўқув машғулотларини жорий этиш учун асос ҳисобланади.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларида илмий, тарбиявий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган маъруза эмас, балки муаммоли, янги билим “кашф қилиниши” керак бўлган номаълум сифатида киритилди. Олдимизда турган вазифа муаммоли вазиятни яратиш, уларни кўзланган мақсадга қадамма-қадам олиб бориб, талабаларни муаммони ҳал этиш йўллари излашга ундашдан иборат эди. Бунинг учун янги назарий материал муаммоли масала шаклида берилди; унинг шартида аниқланиши ва

ҳал этилиши лозим бўлган зиддиятлар мавжуд эди. Таҷриба-синов ишида 1298 нафар талаба иштирок этди (2-жадвал).

2-жадвал


Таҷриба-синовда иштирок этган экспериментал танланма сони

Т/р	Таълим муассасалари	2016-2017 ўқув йили		2017-2018 ўқув йили		2018-2019 ўқув йили	
		Таҷриба	Назорат	Таҷриба	Назорат	Таҷриба	Назорат
3-босқич талабалари							
1.	ТДПУ	58	60	54	52	52	50
2.	БухДУ	30	29	26	26	25	25
3.	ГулДУ	28	29	25	26	26	26
Умумий		116	118	105	104	103	101
4-босқич талабалари							
1.	ТДПУ	50	52	58	60	54	52
2.	БухДУ	28	27	30	29	26	26
3.	ГулДУ	26	25	28	29	25	26
Умумий		104	104	116	118	105	104
Жами (3-4-босқич талабалари биргаликда)							
1.	ТДПУ	108	112	112	112	106	102
2.	БухДУ	58	56	56	55	51	51
3.	ГулДУ	54	54	53	55	51	52
Умумий		220	222	221	222	208	205


Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолиятга касбий тайёрлаш даражасини аниқлаш учун суҳбат, анкета, тест ва интервью методларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари жадвал ва диаграммаларда келтирилган.

Таҷриба-синов ишлари таҳлилига кўра, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолиятга касбий тайёргарлик даражаси динамик равишда ўсганлиги кузатилди. Бундан тадқиқот фаразида ифодаланган қоидалар ўз тасдиғи ва исботини топгани, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда қўлланган шакл, метод, воситалар ўзлаштириш сифати ва талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилгани ҳақида хулосага келиш мумкин. Шунингдек, ўқитишнинг репродуктив методи қўлланди, унинг вазифаси – олинган билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлди.

2017-2018 ўқув йилида ўтказилган таҷриба-синов ишларида самарадорлик 3-босқич талабаларида 11 фоизга, 4-босқич талабаларида эса 13 фоизга ошгани ва $T_{куз}$ қийматлари критик қийматдан катталиги H_1 гипотезанинг қабул қилинишига олиб келди. Бу эса таҷриба гуруҳида олиб борилган тадқиқот ишларининг самарали эканини кўрсатди.



3-расм. Тажриба-синов давридаги ўзлаштириш кўрсаткичлари.



4-расм. Умумий самарадорлик кўрсаткичлари.

2018-2019 ўқув йилида ўтказилган тажриба-синов ишларида самарадорлик 3-босқич талабаларида 14 фоизга, 4-босқич талабаларида эса 15 фоизга ошгани ва $T_{куз}$ қийматлари критик қийматдан катталиги H_1 гипотезанинг қабул қилиниши учун асос бўлди. Бу олиб борилган тадқиқот ишларининг 15 фоизга самарали эканини кўрсатди.

ХУЛОСАЛАР

“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш (Табиатшунослик ўқитиш методикаси мисолида)” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Тадқиқот давомида “инновацион фаолият” тушунчаси педагогик

фаолият кўриниши сифатида таълим сифатини оширишга йўналтирилган педагогик янгиликларни режалаштириш ва амалга оширишнинг инновацион жараёни, педагогнинг инновацион имкониятини акс эттирувчи ижтимоий-педагогик феномен сифатида ўрганилди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион касбий фаолияти (ташқи рағбатлантириш, обрўни сақлаш, касбий, шахсий ривожланиш) мотивлари креатив, технологик ва рефлексив компонентлар орқали такомиллаштириш имконини берди.

2. Педагогик тизимнинг инновацион имконияти тушунчаси билан бирлаштириладиган таълим муассасасининг ташкилий-бошқарув, моддий-техник ва бошқа ресурсларини ўз ичига олган экзоген омиллар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси шахсининг инновацион йўналганлигини ривожлантиришга имкон беради. “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг назарий, амалий, методик, технологик кўрсаткичлари, даражалари ва баҳолаш мезонлари бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион касбий фаолиятга тайёргарлик компонентларини аниқлашни тақозо этди.

3. Бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича педагогик тажриба-синов ишларининг назарий таҳлиллари бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштиришни тақозо қилди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни ўқитувчи шахсини ривожлантиришда объектив ва субъектив омилларнинг диалектик бирлигида детерминацияланиши тасдиқланди.

4. Бошланғич синфда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ролли ўйинлар тизими ўқитувчининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш натижасида “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” электрон дарслиги яратилди.

5. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг методик таъминоти инновацион стратегиялар орқали интегратив ёндашув асосида такомиллаштиришга имкон берди. “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг дидактик таъминоти инновацион фаолият босқичлари бўйича PEST таҳлил асосида ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш самарадорлиги юзасидан қуйидаги **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

– бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга оид янги авлод ўқув-методик адабиётларни яратиш;

– бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича вебинар технологиялари, маҳорат дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш;

– бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда коучинг сессиялари ва супервизия методикаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD 03/30.12.2019.В.91.01 ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЭЛМУРАТОВА ДИЛРАБО МУХАММАТОВНА

**ПОДГОТОВКА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К
ИННОВАЦИОННОЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
(на примере предмета Природоведение)**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (биология)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулистан – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.3.PhD/В325.

Диссертация выполнена в Ташкент государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу (www.Guldu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Толипова Жамила Олимжоновна, доктор педагогических наук, доцент Махмудов Юсуп Ганиевич, доктор педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский областной Чирчикский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «5» декабря 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.03/30.12.2019.В.91.01 при Гулистанском государственном университете (адрес: 120100, Сирдарьинская область город Гулистан, квартал 4. Тел.: (+99867) 225-39-25, факс (+99867) 225-39-25, E-mail: glsinfo.bio@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Гулистанском государственном университете. Адрес: 120100, Сирдарьинская область город Гулистан, квартал 4. Тел.: (+99867) 225-39-25.

Автореферат диссертация разослан «20» ноябрь 2020 года (реестр протокола рассылки №3 от 20 ноябрь 2020 года).

Х.К.Каршибаев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Ф.П.Гаибназарова
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.б.н. (PhD) доцент

И.У.Уразбаев
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировых масштабах на сегодняшний день возрастает потребность в адаптации профессиональной подготовки педагогических кадров к динамике интенсивного обновления современной образовательной системы, совершенствовании её на основе эффективных инновационных технологий, масштабных преобразованиях по повышению их естественнонаучной грамотности в рамках международных программ оценки. В Соглашении Организации Объединенных наций «О ввозе материалов образовательного, научного и культурного характера» особую значимость приобретает создание широких возможностей для получения качественного образования обучающихся во всем мире, научные исследования по внедрению в образовательный процесс инновационных технологий³.

В мире особенную значимость приобретает проведение научно-исследовательских работ в области совершенствования в методическом плане подготовки будущих учителей начальных классов к инновационной профессиональной деятельности, подготовки многопрофильных специалистов, развития креативности, профессиональной компетентности, естественнонаучного мировоззрения студентов. С этих позиций объясняется необходимость подготовки будущих учителей начальных классов к деятельности по проектированию инновационных процессов по методике преподавания природоведения, внедрению научных закономерностей, дидактических принципов, методики повышения эффективности своей деятельности, и внедрения в начальное образование передового международного опыта.

В настоящее время в нашей республике осуществляется исследовательская работа в области совершенствования образовательно-воспитательного процесса, основанного на инновационных технологиях, укрепления его национальной основы, поднятию на уровень мировых стандартов подготовки социально активных, квалифицированных, конкурентоспособных кадров. Определены приоритетные задачи, как «воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества»⁴. Сегодня особую значимость приобретает совершенствование подготовки будущих учителей начальных классов к инновационной профессиональной деятельности по преподаванию предмета «Природоведение», обеспечение успешного перехода младших школьников на следующий этап образования,

³ Протокол к Соглашению о ввозе материалов образовательного, научного и культурного назначения (26 ноябрь 1976 г.) port.uz

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5712 от 29 апреля 2019 года. Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года. Национальная база данных законодательства, 29.04.2019 г., № 06/19/5712/3034.

повышение, приведение в соответствие с международными стандартами качества и эффективности обучения, повышение уровня естественно-научной грамотности, совершенствования образовательно-воспитательной системы.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, поставленных в Законе Республики Узбекистан ЗРУ-576 «О науке и научной деятельности» от 29 октября 2019 года, указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №УП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», а также в других нормативно-правовых актах, касающейся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Исследователями из европейских стран, как F.S.Azevedo, L.Darling-Hammond, A.J.Egalite, B.Kisida, D.S.Yeager, G.M. Walton, P. Cantorand, P.Carter, R.D.Taylorand, A.A.West, A.Wigfield, J.Cambria, C.A.Wolters изучены различные аспекты совершенствования методической подготовки будущих учителей начального образования.

В странах Содружества Независимых Государств (СНГ) вопросы совершенствования методической подготовки будущих учителей начального образования исследовали М.С.Ахмадов, Т.А.Вайзер, С.Г.Григорьева, Н.Г.Калашникова, Е.Ф.Козина, Е.В.Кузнецова, В.В.Левитес, С.А.Радионова, Д.З.Рахмонова, С.П.Русское, О.Н.Ульянова; своеобразные особенности креативных компетенций учителей начального образования – Т.В.Суняйкина, Ю.А.Сергиенко, Г.А.Чомаева и др.

